



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 16 сентябрь, № 190 (8813)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ МУНОСАБАТЛАРИ: ФАОЛ ВА ПРАГМАТИК ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗ САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц 15 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.



Германия — Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги етакчи иқтисодий ҳамкорларидан бири.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил январь ойида Германияга расмий ташриф билан бориши ва ўша йилнинг май ойида Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга келиши икки томонлама ҳамкорликни янги bosқичда ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2023 йилнинг май ва сентябрь ойларида икки марта расмий ташриф билан Германияда бўлиб, Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Канцлер Олаф Шольц ва етакчи немис компаниялари раҳбарлари билан музокаралар ўтказди, шунингдек, “Марказий Осиё — Германия” форматидagi биринчи саммитда иштирок этди.

Ҳамкорлик алоқаларининг мустақамланиши натижасида товар айирбошлаш ҳажми кейинги йилларда анча oшди. Германияга хизматлар, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинаётган бўлса, ўз навбатида, немис днёридан механик асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва улар учун эҳтиёт қисмлар, фармацевтика ҳамда кимё маҳсулотлари ва хизматларини импорт қилляптиз.

Кейинги йилларда меҳнат миграцияси соҳасидаги алоқалар Германия билан ҳамкорликнинг истикболли йўналишига айланди. Шунингдек, соғлиқни

сақлаш соҳасидаги кенг қўламли ва ўзаро манфаатли алоқалар ҳам бугун изчил ривожланмоқда.

Германия Канцлери Олаф Шольцнинг юртимизга ташрифи кенг қўламли ҳамкорлик алоқаларининг янада ривожланишига туртки бериши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцни Регистон майдонида кутиб олди.

Мамлакатимизнинг асосий тимсолларидан бири, ажодларимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ифодаси — дунёга машхур Регистон майдони ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига кирилган. Ансамблга кирувчи Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари ўзининг салобати, бой тарихи ва бетакор архитектураси билан барчада ҳукур таассурот қолдиради.

Олий мартабали меҳмонга Шарқ меъморчилигининг ушбу дурдонаси қурилишига оид тарихий маълумотлар, ечимлар ва безакларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, бу маскан билан боғлиқ муҳим воқеалар ва шахслар, ўзбек халқининг маданий мероси ҳақида маълумот берилди.

Сўхбат давомида жаҳон цивилизациясининг қадимий бешикларидан бири сифатида ҳақли равишда эътироф этилган Самарқанд шаҳри бугунги кунда ишбилармонлик ва сайёҳлик марказига айланиб бораётгани таъкидланди.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги

Конгресс марказида Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Конгресс маркази олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни шохсунага таклиф этди.

Ҳарбий оркестр икки мамлакат мадҳияларини ижро этди. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг тор доирада ва делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Федерал Канцлернинг Ўзбекистонга ташрифи тарихий аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

— Буни кўп қиррали Ўзбекистон — Германия муносабатларини янада ривожлантиришга алоҳида эътиборингиз ва Янги Ўзбекистонда амалга ошириладиган ортага қайтмас ислохотларни қўллаб-қувватлашингизнинг далолати сифатида қабул қиламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни Германия Федератив Республикаси ташкил этилганнинг 75 йиллиги ва яқинлашиб келаётган Германия бирлиги куни билан самимий муборакбод этди.

Музокаралар давомида кўп қиррали Ўзбекистон — Германия муносабатла-

рини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йили Берлинда ўтказилган олий даражадаги учрашувлар икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантиришга жиддий туртки бергани таъкидланди.

Барча даражалардаги алоқалар фаоллашди. Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард евродан ошди. Германия бизнеси билан ҳамкорлик кенгаймоқда — йил бошидан буюн мамлакатимиз иқтисодиётига Германия компанияларининг 800 миллион евролик инвестициялари киритилди.

Июнь ойида Тошкентда Ўзбекистон — Германия Ишбилармонлар кенгашининг саккизинчи йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

“KfW” банки ва Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг молиявий-техник кўмак лойиҳаларига юқори баҳо берилди.

Ўтган йили Берлин шаҳридаги Янги музейда Ўзбекистон маданий мероси кўргазмасининг ўтказилиши маданий соҳада муҳим воқеа бўлгани, унга Германия пойтахтининг ярим миллиондан ортиқ аҳолиси ва меҳмонлари ташриф буюргани таъкидланди.

Шу йил ёзда Самарқанд шаҳрида Ибн Сино ва Генрих Шиппергес номлидаги Тиббиёт фанлари олий мактаби очилгани ҳам мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар парламентлар, ҳукуматлар, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги фаол алоқаларни давом эттириш тарафдори эканликларини билдирдилар.

Ташқи сиёсат идораларига Ўзбекистон — Германия муносабатлари даражасини ошириш масаласини кўриб чиқиш, халқаро ва минтақавий муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш топширилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи институтлари ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол ҳамкорлик давом эттирилади.

Бугунги саммитга Саноат ва технологиялар бўйича стратегик шериклик дастури тайёрлангани қайд этилди. Германиянинг етакчи компания ва банклари билан умумий қиймати қарий 9 миллиард евро бўлган ҳамкорлик лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Улар “яшил” энергетика, кимё саноати, ўта муҳим хомашёни ўзлаштириш, машинасозлик, тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб йўналишларни қамраб олади.

“Siemens Energy” компанияси билан мамлакатимиз ҳудудларида буг-газ электр станцияларини қуриш, “Linde Group” компанияси билан “метанол ороли” барпо этиш ва “яшил” аммиак ишлаб чиқариш, “KfW Iprex-Bank” иш-тироқида йирик мис ирони ўзлашти-

риш, “Giga Fiber” билан мис қазиб олиш ва кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш, “AMK Global” билан углерод толаси, “Guesscon” билан қора курум ҳамда водород ишлаб чиқариш лойиҳалари энг муҳим лойиҳалар сифатида қайд этилди.

Насос тизимларини маҳаллийлаштириш, қайта тикланувчи энергетика, тиббий буюмлар ишлаб чиқариш, логистика марказларини ташкил этиш бўйича бир қатор янги лойиҳалар мавжуд.

Ушбу лойиҳаларни тезлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни рағбатлантиришнинг самарали воситаларини жорий этишга келишилди.

Ташриф давомида ўта муҳим хомашё ресурслари ва иқлим ўзгариши соҳасидаги ҳамкорлик бўйича имзоланадиган битимларнинг аҳамияти таъкидланди.

Ўзбекистон Германия ҳукумати ташаббуси билан тузилган Иқлим клубида иштирок этишдан манфаатдор экани таъкидланди.

Транспорт ва логистика, самарали куруқлик ва ҳаво йўлакларини ривожлантириш, транспорт харажатларини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон раҳбари “Lufthansa” авиакомпаниясининг мамлакатимизга тўғридан-тўғри парвозларини қайта йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этди.

Ўзбекистон ва Германия ҳудудлари ўртасидаги шериклик муносабатларини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Йил бошидан буюн Германиянинг иккита федерал ўлкаси вакиллари мамлакатимизга ташриф буюрди. Йил охиригача Берлин, Бавария ва Тюрингия делегацияларининг ташрифи кутилмоқда.

Ташриф давомида меҳнат миграцияси соҳасида шаффоф ва тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган битим имзолангани мамнуният билан таъкидланди.

Масъул идоралар даражасида талаб юқори бўлган ўзбекистонлик мутахассисларни тайёрлаш ва Германияга юбориш бўйича амалий ҳамкорлик “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Германиянинг дуал таълим тизимини Ўзбекистон ҳудудларида кенг жорий этишга қизиқиш билдирилди. Етакчи университетлар ўртасида таълим ва илмий алоқаларни ривожлантириш учун икки мамлакат олий ўқув юртилари форумини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзбекистон томони қўшма дастурларни амалга ошириш, Германия олий таълим муассасаларининг факультетлари ва филиалларини очиш учун барча шароитларни яратишга тайёрлигини билдирди.

Ташриф доирасида Бошқарув кадрларини тайёрлаш қўшма мактаби ишга туширилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти ёшларимизнинг немис тилига қизиқиши юқори

эканини, бу тилни 300 мингга яқин йигит-қизлар ўрганаётганини таъкидлади. Яқинда андижонлик мактаб ўқувчиси Райёна Иброҳимова немис тили бўйича Жаҳон олимпиадасида голиб бўлгани бунга ёрқин мисолдир.

Германия томони мамлакатимиз ҳудудларида тил ўрганиш ва ўқитувчилар тайёрлаш дастурларини кенгайтиришга кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Маданий ҳамкорлик бўйича аралаш комиссия фаолиятини қайта тиклаш таклиф этилди.

Учрашувда қабул қилинган қарорлар ва имзоланган битимларни амалга ошириш бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Самарали музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц Қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Умуман, расмий ташриф доирасида 8 та икки томонлама ҳужжат имзоланди, шу жумладан:

— Миграция ва мобиллик соҳасида ҳар томонлама шериклик тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Ветеринария ва чорвачилик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро декларация;

— “Яшил Марказий Осиё” ташаббуси доирасида сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро декларация;

— Ўта муҳим минераллар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация;

— Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Париж битими доирасида иқлим ўзгариши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

Бундан ташқари, 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган Технологик шериклик ва саноат кооперацияси дастури қабул қилинди, шунингдек, Ўзбекистон ва Германиянинг етакчи корхоналари даражасида бир қатор битим ва шартномалар тузилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонга ташриф чоғида Канцлер Олаф Шольцга ҳамроҳлик қилаётган ва 16 сентябрь куни Самарқандда бўлиб ўтадиган Германия ишбилармон доиралари билан учрашувда қатнашадиган ушбу мамлакат етакчи инвестиция, саноат ва савдо компаниялари вакилларини қутлади.

Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Элчи Манфред ХУТЕРЕР:

ИККИ ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК АЛОҚАЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

ГФР Федерал Канцлери Олаф Шольц ташрифи арафасида Германиянинг Ўзбекистондаги янги тайинланган элчиси Манфред Хутерер «Дунё» АА учун интервью берди.

Интервью

— Жаноб элчи, фаолиятингизни бошлаганингизга кўп вақт бўлмади ва айни шу паллада Германия Канцлери

Олаф Шольцнинг Ўзбекистонга тарихий ташрифи амалга оширилмоқда. Шу ўринда кун тартиби ҳақида тўхталсак. Бундан ташқари, икки томонлама алоқаларимизнинг бугунги ҳолати ҳақида фикрларингиз қандай, қайси

йўналишларни устувор деб биласиз?

— Дарҳақиқат, икки давлат ҳамкорлигида янги уфқларни очадиган ушбу ташриф фаолиятимизнинг илк ойларида амалга оширилаётганидан жуда хурсандман. Германия Канцлери Олаф Шольцнинг Ўзбекистонга ташрифи унинг Марказий Осиё давлатларига бўлган илк сафари ҳисобланади ва

шубҳасиз, бу ташриф муҳим аҳамиятга эга. Германия Канцлери охириги март Ўзбекистонга, умуман, минтақага 22 йил аввал ташриф буюрган эди. Шунинг ўзиёқ мазкур ташрифнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради. Шунингдек, Германия учун Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё давлатларининг алоҳида аҳамиятга эга эканини кўрсатади.



УМУМИЙ ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц 15-16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлиб турибди.

БИЗ ВА ДУНЁ

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буюн Германия халқаро майдондаги энг ишончли ва стратегик муҳим ҳамкорлардан бири бўлиб келмоқда.

Олий даражадаги мулоқотнинг фаоллашуви 2019 йил январь ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга илк расмий ташрифи билан бошланган. Ўша йилнинг май ойида

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Айтиш жоизки, ташрифлар икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга кучли туртки берди. Ушбу олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар, шунингдек, глобал ва минтақавий тузилмалар доирасидаги

ўзаро ҳамкорлик масалалари 2021 йил март ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Ангела Меркелнинг онлайн-саммитида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари 2023 йилнинг май ва сентябрь ойларида икки марта расмий ташриф билан Германияда бўлиб, Федерал Президент Франк-Вальтер

Штайнмайер, Канцлер Олаф Шольц ва етакчи немис компаниялари раҳбарлари билан музокаралар ўтказди, шунингдек, “Марказий Осиё — Германия” форматидagi биринчи саммитда иштирок этди.

Олий даражадаги муносабатларнинг жадаллиги ва эришилган келишувларнинг юқори суръатларида ўсиб бориши икки томонлама кун тартибининг изчил ва мазмунли кенгайтирилиши таъминлади, бу эса босқичма-босқич стратегик хусусият касб этаётди.



ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИНING МУҲИМ АСОСИ

Бугун инсоният иқтисодиётдаги глобаллашув, дунёдаги мураккаб сиёсий жараёнлар, ижтимоий, маданий ўзгаришлар трансформациясида ўз тараққиёти ва фаровонлигини, энг аввало, илм-фан ва таълим сифати ҳамда самарадорлигида кўрмоқда. Шу жиҳатдан, сўнгги йиллардаги ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилган эътибор фарзандларимизни нафақат жисмонан, балки маънан ҳамда соғлом фикрли қилиб ўстириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол авлод, интеллектуал салоҳиятли инсонлар бўлиб ҳаётга кириб бориши йўлида тарихий даврни бошлаб беради, десак, муболага эмас.

Мушоҳада

Давлатимиз раҳбари “Биз Учунчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”, дея амалга оширилаётган ислохотлар пиривард максадини ифода этаркан, унга эл-тўғчи ағона йўл таълим-тормим орқали эканлигини уқтиради.

Чиндан ҳам, ҳар йили битирувчиларнинг 70 — 80 (айрим мактабларда 100) фоизи олий таълим истагида тест синовларини топ-

шираётгани йигит-қизларнинг жидди-жаҳди, истикбол-ини илмда деб билиб, келажакни ўз иқтидоридан ахтарайтгани мамлакатда янги Ренессанс йўлида дидил қадам қўйилаётганини ифода этади. Бинобарин, бу йўлда уларга шарт-шароитлар яратиш билан бирга илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг асосий ташкилий-иқтисодий, инфратузилмавий, институционал чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.



Элчи Манфред ХУТЕРЕР:

ИККИ ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК АЛОҚАЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ташриф икки томонлама алоқаларнинг янада ривожланишига қўшимча туртки беради. Делегация таркибидан Германиянинг йирик ишбилармон доиралари вакиллари ҳам ўрин олган. Бу эса ташриф доирасида иқтисодий масалаларга алоҳида ургу берилишининг белгисидир. Умуман олганда, сиёсий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар батафсил муҳокама қилинади. Учрашувларда салмоқли битим ҳамда ҳужжатлар, жумладан, Германия ва Ўзбекистон ўртасида миграцияга оид кенг қамровли шериклик тўғрисидаги битим имзоланиши кутилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишим керакки, Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар бугунги кунда ҳали ҳеч қачон икки томонлама муносабатлар тарихида бўлмаган даражадаги чўққига етди. Ўзбекистон ўзини бутун дунё мамлакатларига очди ва барча соҳадаги имкониятлари, салоҳиятидан унумли фойдаланиш учун янги қадамлар қўймоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларда ўзаро савдо айланмаси ҳажмини кўпайтириш, инвестициялар киритиш ва биргаликда иқлим ўзгаришига қарши курашиш, илм-фан вакиллари ўртасидаги алмашувни янада ривожлантириш ва халқларимизни яқинлаштирувчи қатор жабҳалардаги ҳамкорлиқни янада кенгайтиришдан икки томон манфаатдор.

— Бугунги кунда иқтисодий алоқалар Ўзбекистон — Германия муносабатларининг энг муҳим қисмидир. Сўнгги йилларда, айниқса, бу борада юқори динамика қайд этилмоқда. Сиз буни қандай баҳолайсиз, умуман, Ўзбекистоннинг Германия учун иқтисодий ва инвестицийвий жозибдорлиги қандай? Мамлакатимизда амал-



га оширилаётган кенг қўламли ислохотлар муносабати билан Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши, яратилган ишбилармонлик муҳити Германия учун қандай имкониятлар очмоқда деб ўйлайсиз?

— Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон Ҳукумати томонидан барча соҳада, жумладан, иқтисодий соҳада ҳам қатор ислохотлар амалга оширилди. Иқтисодиётни либераллаштириш ва бу борадаги ҳолатларни қайтадан тартибга солиш, шахсий мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги каби йўналишлар ўз натижасини кўрсата бошлади.

Ўзбекистон иқтисодиёти бошқа давлат иқтисодиётлари билан кенг бир тармоқ ичига биришиб кетди, бу эса немис иқтисодиёти учун жуда иқтисодий ҳолат ҳисобланади. Компанияларимиз диверсификация қилинган шaroитда ўз фаолиятини олиб бориш тарафдори. Ўзбекистонда мавжуд немис капитали асосидаги компанияларнинг айримлари бир неча йиллар давомида бу ерда фаолият юритиб, кўплаб товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда, яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланмоқда. Бирок давлатлари-

миз ўртасидаги салоҳият жуда юқори. Биргина текстиль ва аграр соҳадаги алоқаларни мисол қиладиган бўлсак, фойдаланилмаган катта салоҳият мавжудлигини кўрамыз. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон модернизация ва жуда тўғри ислохотлар йўлидан бормоқда.

— Германиядаги ўзбек диаспораси ва Ўзбекистондаги этник немис диаспораси ҳақида гап борганда, ушбу муносабатларни қандай баҳолаш мумкин? Ва умуман олганда, халқ дипломатияси, маданият, санъат, туризм ва бошқа йўналишларда мамлакатларимизнинг истиқболлини қандай баҳолайсиз?

— Биласизми, Ўзбекистон бозори Марказий Осиё бозорига кириш дарвозаси ҳисобланади ва шу билан бирга кўплаб имкониятларни тақдим этади. Мамлакатингиз табиий ресурсларга бой, туризм салоҳияти юқори, изланувчан, ўрганишга қизиқиши баянд ёшларингиз жуда кўп. Ушбу омилларнинг ўзидек юртингизнинг келажига ишора қилади.

Яқинда немис диаспорасининг Тошкентдаги маркази очилишида қатнашдим ва бу ишларнинг барчасини амалга ошириш Ўзбекистон ҳукуматининг кўп-қувватловисиз имконсиз эканлигини тушундим. Биламиз, немисларнинг бу ҳудуддаги, минтақадаги тарихи ҳаммида 50 йилни ташкил этади. Ҳозирги вақтга қадар улар Ўзбекистонда яшаб, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келган.

Шу ўринда Германиянинг Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва бошқа давлатларда яшовчи немис диаспоралари бўйича вакили Павлик Хоннингнинг қуйдаги сўзларини таъкидламоқчиман: “Диаспора сиёсати, бу — тинчлик сиёсати”,

дегани. Мен бу фикрга тўлиқ қўшиламан, чунки ҳамма нарсани сиёсат ёки иқтисодий ривожланишга ташлаб қўйиб бўлмайди. Бу ривожланиш ҳар доим маданий ва инсонлар ўртасидаги алоқалар, алмашинувларга бориб тақалади. Шундай экан маданий алоқаларни доимий ривожлантириб боришимиз керак, чунки бу бизнинг умумий муносабатларимиз мустақамлигига салмоқли ҳисса қўшади.

— Марказий Осиё давлатлари орасида немис тилини ўргатувчи мактаблар сони бўйича Ўзбекистон биринчи ўринда туради. Умуман олганда, Ўзбекистон ва Германия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга юксалиб бораётганини қузатаямиз. Ушбу йўналишдаги ишлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Дарҳақиқат, немис тилини ўрганувчилар сони кўпчилиги жуда қувонарли. Ушбу даражани ўшлаб қолиш ва ривожлантириш учун етарлича ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда 19 та “PASCH” мактаби бор, улар “келажак мактаблари” ҳисобланади, бундан ташқари, немис тили дипломларини берувчи мактаблар ҳам мавжуд. Гёте институт ва Чет элдаги мактаблар бўйича марказий идора фаолият юритади. Шунингдек, Ўзбекистон ва Германия университетлари, жумладан, Мюнхен техника университети ва Янги Ўзбекистон университети ўртасида мустақам алоқалар йўлга қўйилган. Бунинг натижаси ўлароқ ёш ўзбек олим ва олималари учун қисқа ва узоқ муддатли стипендиялар жорий этилиши кўриб чиқилмоқда.

Юқорида таъкидлаганимдек, Германия ва Ўзбекистон муносабатлари турли соҳаларда мунтазам саёй-ҳаракатлар асосида юқори ўсиш натижаларини қайд этмоқда.

УМУМИЙ ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК

Бугунги кунда Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорлигини ривожлантиришдаги асосий ҳамкорларидан бирига айланган. Хусусан, расмий Берлин 2007 ва 2019 йилларда эълон қилинган Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақасидаги стратегияларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда етакчи иштирокчилардан бири бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Германия кўп томонлама форматларда — БМТ, ЕХТТ ва бошқа тузилмалар доирасида глобал ва минтақавий кун тартибидagi масалалар бўйича ҳам самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Расмий Тошкент ва Берлиннинг кўплаб масалалар, жумладан, терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандликка қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича позициялари бир-бирига мос келади ёки яқин.

Икки давлат ҳукуматлари ўртасида турли шаклларда ўзаро шериклик ўрнатилган. Икки томонлама алоқалар кун тартибиди ривожлантириш, уни янги ташаббуслар билан тўлдиришда парламентлараро муносабатлар муҳим ўрин тутди. Мамлакатларимиз парламент аъзолари мунтазам ташрифлар билан алмашиниб келмоқда. 2019 йил январь ойида Берлин шаҳрида Олий Махлисининг Бундестаг билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи ва “Германия — Марказий Осиё” парламент гуруҳи ўртасида ўзаро Англашув меморандуми имзоланган эди.

Икки давлат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги шериклик конструктив характер касб этмоқда. Икки ва кўп томонлама кун тартибидинг долзарб масалалари бўйича мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. 2022 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Германия ташқи ишлар вазир Аналенне Бербок Ўзбекистонга ташриф бўлди, у Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинди, республика вазирлик ва идораларида учрашувлар ўтказди, шунингдек, Самарқанд шаҳрида бўлди.

Германия Ўзбекистоннинг энг йирик инвестициявий ва савдо ҳамкорлари ўнтаклига кирази. Ўзбекистон бозорини “MAN”, “Claus”, “Knauf”, “GP Papenburg AG”, “Deutsche Kabel”, “Siemens Energy”, “Linde”, “Henkel” ва бошқа етакчи компаниялар муваффақиятли фаолият кўрсатяпти. Германия инвестициялари Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари — энергетика, тоғ-кон sanoati, кимё sanoati, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва бошқа йўналишларда ўсиб бормоқда.

Умуман олганда, бугунги кунга қадар мамлакатимизда немис инвестицияси иштирокида 221 та корхона ташкил этилган ва 31 та компаниянинг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ўзаро алоқаларнинг муҳим механизми Савдо ва инвестициялар бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳи бўлиб, унинг мунтазам учрашувлари иқтисодий шерик-

ликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Икки мамлакатнинг йирик компанияларини бириктирган ва 2015 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Германия Ишбилармонлар кенгаши немис ишбилармон доиралари ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги тўғридан-тўғри ва очик мулоқот учун энг муҳим платформа айланди. Кенгаш ўзига ҳос хусусиятга эга, чунки у Ўзбекистондаги янги “G2B” платформаси ҳисобланади.

“Günter Papenburg AG” компанияси директорлар кенгаши аъзоси, “Bau und Verwaltungsgesellschaft mbH” компанияси ижрочи директори Ангел Папенбургнинг Ўзбекистоннинг Саксония-Анхальт ва Қўйи Саксония федерал штатларидаги фахрий консули этиб тайинлангани ҳам икки мамлакат компаниялари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилаётди, шунингдек, келажакда юқори технология ва инновациялар соҳасида кўплаб қўшма лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантирмоқда.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро савдонинг ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтган йили товар айирбошлаш 1 миллиард евродан ошди. Германияга ўзбек маҳсулотлари экспорт доираси кенгайимокда, бугунги кунда ушбу мамлакатта қишлоқ, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар сотилмоқда. Ўзбекистон, ўз навбатида, Германиядан механик асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва улар учун эҳтиёт қисмлар, фармацевтика ҳамда кимё маҳсулотлари ва хизматларини импорт қилади.

Германия мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий, инновация ва технология ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, давлат бошқарувида ислохотларга қўмаклашиш, шунингдек, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиб келган ва улар давом этмоқда.

Германия тараққиёт банки “KfW” ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) орқали жалб қилинган имтиёзли кредитлар ва грант маблағлари ҳисобидан республикада ижтимоий-иқтисодий характердаги қатор дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу мамлакатнинг қатор нуфузли нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, Конрад Аденауэр, Фридрих Эберт, Ханс Зайдел ва бошқа жамғармалари билан биргаликда ижроси таъминланаётган лойиҳалар ҳам эътиборга молик.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Германия “яшил” ривожланиш, қайта тикланувчи энергия манбалари, транспорт ва логистика, sanoat кооперацияси, технология, соғлиқни сақлаш ва таълим, инсон капиталини ривожлантириш каби жабҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятларга эга.

Германияда икки томонлама муносабатлар фаоллашаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг йил тарихий-маданий мероси ва сайёҳлик салоҳиятига қизиқиш ортиб бормоқда.

2023 йилнинг май ойида Берлин

шаҳридаги Музейлар ороли ҳудудида “Ўзбекистоннинг археолог хазиналари. Македониялик Александрдан Кушонлар салтанатига” номли ноёб кўргазманинг очилиши икки давлат маданий ҳаётидаги улкан лойиҳа бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер билан биргаликда кўргазманинг очилиш маросимида қатнашди. Жорий йилнинг 14 январига қадар мавжуд бўлган кўргазмада Берлин давлат музейлари тўпламларидан 65 та, Ўзбекистон музейлари тўпламларидан эса 285 та экспонат намойиш қилинди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти биринчи марта мамлакатимиз ташқарисида тақдим этилди. Ноёб кўргазмада юртимизнинг қадимий ва бой маданияти, ҳозирги Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатлар тарихи, Миллоддан аввалги VI асрдан то миллодий IV асргача бўлган даврлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур кўргазма Германия жамоатчилиги ва иxtисослашган доираларнинг Ўзбекистон билан алоқаларини кенгайтиришга қизиқишини янада оширди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Германияда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Чунончи, ушбу мамлакатнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртиларида ўзбек тили ва адабиёти кафедралари мавжуд.

“Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро савдонинг ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда товар айирбошлаш 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Германияга ўзбек маҳсулотлари экспорт доираси кенгайимокда, бугунги кунда ушбу мамлакатга хизматлар, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар сотилмоқда.”

Ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳам Германия, унинг маданияти, тили, таълим ва бизнес имкониятларига қизиқиш катта. Хусусан, республикада кўп қанча 980 та мактабда 270 мингга яқин ўқувчилар немис тилини ўрганмоқда, уларга 3 мингдан ортиқ ўқитувчилар мазкур тилдан сабоқ бермоқда. Германияда Ўзбекистоннинг барча ҳудудидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, немис тилини ўқитиш услубларини жорий этиш амалиёти йўлга қўйилган.

Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт фондлари, Германия халқ университетлари ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик институти, Хорридаги мактаблар марказий бошқармасининг немис тили бўйича махсус маслаҳатчи-координатори офиси ва коллатхоналари ҳам немис тилини ўрганиш истагида бўлган ўзбек ёшлари қамровини кенгайтиришга ўз ҳиссасини қўшаётди.

2009 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистонда Германия Ташқи ишлар вазирлигининг “Мактаблар: келажак ҳамкорлари” ташаббуси амалга оширилляпти ҳамда Чет элдаги мактаблар

марказий бошқармаси ва Гёте институтини немис тилини ўргатувчи мактабларнинг ўқув ҳамда моддий-техника базасини мустақамлашга қўмаклашмоқда.

Яқинда Андижон шаҳридаги мактаб ўқувчиси Райёна Ибрагимованинг Германияда бўлиб ўтган немис тили бўйича нуфузли олимпиадада 62 давлатдан келган 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган 100 нафардан ортиқ иштирокчилар орасида 1-ўринни эгаллагани ўзбек мактаб ўқувчиларининг муваффақияти ва билим даражасини намойиш қилди.

Олий таълим соҳасида Ўзбекистон университетлари Германиянинг 30 дан ортиқ олий ўқув юртилари билан алоқаларни ўрнатган. Германия академик алмашинув хизмати — ДААД орқали Германиянинг турли таълим муассасалари ва илмий марказларида 1 мингга яқин ўзбекистонлик талаба, аспирант ва докторантлар тахсил олмоқда.

Ҳудудлараро шериклик муносабатлари ҳам изчил ва самарали ривожланмоқда. Тошкент ва Берлин, Бухоро ва Бонн шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари йўлга қўйилган. Ушбу дастур доирасида самарали маданий-маърифий алмашинувлар, барқарор ривожланишга қаратилган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Меҳнат миграцияси соҳасидаги алоқалар Германия билан ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишига айланган.

Шундан келиб чиқиб, олий даражада эришилган келишувлар ижросини таъминлаш устидан парламент назоратини олиб боришда узвий ҳамкорлик ташаббусини ҳам илгари сурдик. Бу борада маъсул қўмиталар ва парламент девонлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, парламентлар даражасидаги алоқаларимиз ҳудудлардаги вакилик органлари ўртасида ҳам йўлга қўйилиши, парламентлараро ҳамкорликда аёллар ва ёшлар фаолиятини ошириш каби бир қатор масалалар кун тартибига олиб чиқилганлигини таъкидлаш зарур. Негаки, маҳаллий Кенгашлар ҳамда аёллар ва ёшлар минтақадаги давлатларда катта салоҳиятга эга бўлиб, улардан самарали фойдаланиш бизни мақсад сари янада яқинлаштиради.

Форум якунида қабул қилинган Хива декларациясидан шу ва бошқа қатор вазифалар ўрин олган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш асосида ютук ва натижаларимизни янада мустақамлашмиз. Қисқача айтганда, мазкур ҳужжат парламентлар тимсолида минтақамиз давлатлари ҳамкорлигини мутлақо янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Анвар ТҶҲИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, таъқиқ иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.

МИНТАҚАМИЗ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМ

Яқинда Хива шаҳрида Марказий Осиё давлатлари парламентларининг иккинчи форуми юқори савияда бўлиб ўтди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон парламентлари раҳбарлари ҳамда делегациялари, шу жумладан, ёшлар парламентлари ва гуруҳлари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллари органлари вакиллари қатнашган мазкур ҳамкорлик формати минтақадаги доимий мулоқот майдонида, ўзаро муҳим масалаларни муҳокама этиш ҳамда ҳал қилишнинг самарали механизмига айланиб бораётгани билан эътиборга молик.

Акс садо

Форум муҳим воқеалар ва тафсилотларга бой бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига йўллаган табригини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Дастлабки босқичда мазкур форматнинг мақсади минтақада йиғилиб қолган турли муаммолар — чегара масалалари, транспорт, сув ресурслари, савдо-иқтисодий соҳалардаги қатор зиддиятларни бартараф этишдан иборат бўлган бўлса, бугун минтақадаги ўзаро ҳамкорлик, ривожланиш жараёнларига туртки берувчи, ҳаракатлантирувчи омилга айланди.

Форумда Ўзбекистон томонидан қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, мамлакатларимиз қонунчилигини бир-бирига уйғунлаштириш бўйича парламентлар фаолиятини мувофиқлаштириш кераклиги айтиб ўтилди. Бу бежиз эмас. Минтақамиз давлатлари ўртасидаги алоқалар ҳар жабҳада кенг ривожланиб бораётган ҳозирги шaroитда қонунчиликни уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Содда қилиб айтганда, бир-биримизни англашимиз осонлашади ва ўзаро алоқаларда турли тўсиқлар бўлмайди.

Бу жараёнда, албатта, парламентлараро дўстлик гуруҳлари, комиссиялар етакчиликини қўлга олиши керак. Шу боис Ўзбекистон парламенти айнан шу масалани кун тартибига қўйди.

Кези келганда айтиш керакки, мазкур форматдаги саёй-ҳаракатларимиз бугун тўла ўзини оқлаб келаяпти. Чунончи, фаол ҳамкорлик ортидан жиддий келишувларга эришилмоқда, битим ва шартномалар имзоланмоқда. Муҳими, уларнинг барчаси ижро қилиниб, салмоқли натижалар қўлга киритилляпти.

Мисол учун, кейинги вақтларда минтақадаги савдо ҳажми 3 баробар, қўшма корхоналар сони 5 марта, ўзаро инвестициялар ҳажми эса қарийб 2 қарра ошди.

Яна бир мисол: минтақа мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти ҳажми 450 миллиард долларга яқинлашди. Яъни минтақа иқтисодий ўсиш суръатлари қарийб 4,8 фоизни ташкил қилмоқда, бу бутун дунёнинг ўртача ўсишдан деярли икки баробар юқори кўрсаткичдир.

Агар келишувлар доирасида амалга оширилаётган ишларимиз ўз вақтида, бекаму кўст баҳарлишида давом этса, натижалар янада салмоқли бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шундан келиб чиқиб, олий даражада эришилган келишувлар ижросини таъминлаш устидан парламент назоратини олиб боришда узвий ҳамкорлик ташаббусини ҳам илгари сурдик. Бу борада маъсул қўмиталар ва парламент девонлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни фаоллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, парламентлар даражасидаги алоқаларимиз ҳудудлардаги вакилик органлари ўртасида ҳам йўлга қўйилиши, парламентлараро ҳамкорликда аёллар ва ёшлар фаолиятини ошириш каби бир қатор масалалар кун тартибига олиб чиқилганлигини таъкидлаш зарур. Негаки, маҳаллий Кенгашлар ҳамда аёллар ва ёшлар минтақадаги давлатларда катта салоҳиятга эга бўлиб, улардан самарали фойдаланиш бизни мақсад сари янада яқинлаштиради.

Форум якунида қабул қилинган Хива декларациясидан шу ва бошқа қатор вазифалар ўрин олган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш асосида ютук ва натижаларимизни янада мустақамлашмиз. Қисқача айтганда, мазкур ҳужжат парламентлар тимсолида минтақамиз давлатлари ҳамкорлигини мутлақо янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Анвар ТҶҲИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, таъқиқ иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.

ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Кобилиятда куннинг қадри

Яқинда қарийб йигирма йиллар аввал хорижга чиқиб кетган бир та-нишчимиз билан мулоқот қилиб қол-дим. У Туркиянинг тоғли ҳудудида-ги қишлоқлардан бирида яшаб, ўша ердаги мактабда дарс бераар экан. Айтишича, ўша мактабда унинг фарзандлари билан бирга яна қўлаб ўзбек ёшлари таълим оли-шаркан. Миллатдошларимизнинг иқтидори, интилишини кузатиб, турklar муболағасиз Ўзбекистон-дан яна бир Ренессансга умид бог-лашмоқда, дейди у.

Албатта, бу алломаларнинг са-води тили билан баробар чиққан икки Ренессанс бунёдкорлари во-рислари қалбида чексиз фахр уй-ғотиб, шунга мос масъулиятни ҳам талаб этади. Бу йўлдаги ҳар бир қадам шу марра сари яқин-лаштириши устувор вазифа қилиб белгиланиб, у мактабгача таълим тизими ислохотларида кўзга яққолроқ ташланмоқда.

Мамлакатимизда болаларни мактабгача таълим тизимига тўлиқ қамраб олишнинг давлат сиёсати даражасида белгиланишидан мақ-сад айнан ҳаётининг илк даврида ҳар бир боланинг жисмоний ва ру-ҳий қўнималари жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлаш-дир. Зеро, болада онг, тил, атроф-ни англаш, муносабатга киришиш, муаммоларни ҳал қила олиш қоби-лиятлари гўдаклигидан шаклланиб, унинг бир кунини бесамар ўтказиб юбориш ҳам бола қобилиятининг шаклланиш даражаси ва суръати-га бевосита таъсир кўрсатади.

Оддий кўрсаткичдан — самара кўринишига

Бугун мамлакатимизда ҳар бир бола тимсолида шахсни кашф этиш, унинг манфаатларини таъ-минлаш, ҳимоя қилиш таълим ва тарбиянинг барча бўғинида усту-вор тутиляпти. Тамомила янги маъ-мун ва шаклдаги Президент мак-таблари, ихтисослаштирилган ҳамда ижод мактаблари, олий таъ-лим муассасаларининг дунёнинг илгор унсураларлари билан ҳам-корлиги улуғ мақсадлар йўлидаги собитқадамликнинг ифодасидир.

Табиики, ҳар қандай тараққиёт аҳолининг зиёли қатлами, айниқ-са, маориф соҳаси ҳодимлари ол-дига барча жаҳдада авангардлик вазифаларини қўйди. Шу жиҳатдан таълимнинг узвий пиллапоялари учун кадрлар тайёрлашдек масъу-лиятли вазифа институтимиз олим-лари ва ўқитувчилари зиммасига ҳам ушбу мақсадлар рўёби йўлида ўз фаолиятини чуқур таҳлил этиш, фидойилик каби фазилатларни талаб қилади. Албатта, бу йўлда амалга оширилган ишлар бугун од-дий кўрсаткич туюлиши мумкин, яқин келажақда эса самара кўри-нишини олиши, шубҳасиз.

Хусусан, институтимизда таълим йўналишлари — бакалавр ва магис-тратурада мутахассисликлар сони оширилди. Биргина янги ўқув йи-лидан эътиборан бакалаврият таъ-лим йўналишининг кундузги ўқув шаклида янги йўналишлар — мақ-сус педагогика, логопедия, аетро-номия, амалий математика, спорт фаолияти — дзюдо, футбол, бас-кетбол, волейбол ва қўл тўпи йўна-лишлари йўлга қўйилганиги ҳар бир интилишни тўлиқ қамраб олиш йўлидаги собитқадамликнинг ама-лий ифодасидир.

Президентимиз ташаббуси би-лан бугунги глобал инсон саломат-лиги муаммолари эътиборга оли-ниб, институтимизда 2021 ўқув йи-лидан эътиборан янги тиббиёт фа-культети (2 та таъбиёт таълим йўналиши “Даволаш иши” ва “Пе-диатрия”) ҳамда “Ижтимоий иш”

сиртқи таълим йўналишлари очил-ган эди.

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори иловасида Навоий давлат университети фаолиятини йўлга қўйиш борасида устувор ва-зифалар белгиланиб, шу асосда институтимиз жамоаси билан тўққиз банддан иборат стратегия ишлаб чиқилди. Унга кўра инсти-тутда таълим сифатини янада оши-риш мақсадида ўқув ва талабалар-га хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ рақамлаштирилиб, “HEMIS” тизи-ми бошқарувига ўтказилади. Бу — таълим жараёнидаги инсон оми-лининг аралашувини бартараф этиб, халқроқ стандартларга мос, “кредит-модуль” тизимини тўлиқ жорий қилиш, демакдир. Шунинг-дек, янги авлод ўқув адабиётла-ри, жаҳон миқёсида ўқитиладиган фанлардан адабиётлар хариди асо-сида АРМнинг моддий-техника ба-заси такомиллаштирилади. Жаҳон-нинг ривожланган мамлакатлари кутубхоналари билан интеграция қилинади. Институтда илмий сало-ҳиятини 60 фоизга етказиш бора-сидаги аниқ чора-тадбирлар асо-сида фундаментал амалий иннова-цион ва стартап лойиҳалар ишлаб чиқиш механизми яратилади.

Маълумки, жамият ривожини таълим ва илм-фанда кўлга кири-тилаётган кашфиётлар белгилайди. Жорий йилда 515 нафар профес-сор-ўқитувчидан иборат педагогик жамоаси томонидан 37 та дарс-лик, 67 та ўқув қўлланма, 54 та монография, 10 та илмий мақола-

чи, биргина институтимиз мисоли-да олсак, 7 та ўқув биносиди-да 205 та ўқув аудиторияси, 22 та ла-боратория, 113 семинар ҳамда амалиёт аудиториялари, шунинг-дек, учта талабалар тураржойида давлатимиз раҳбари томонидан ил-гари сурилган 5 муҳим ташаббус тўғарак хоналари, учта кутубхона, “workout” майдончалари учун хо-налар, учта спорт зали, ахборот-ресурс маркази фаолияти йўлга қўйилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган чин етим ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, “темир дафтар”га киритилган оилалар фарзандларини қўлаб-қувватлаш мақсадида 79 нафар талабага қарийб 110 млн. сўм моддий ёрдам, ногиронлиги бўлган 197 на-фар талабага 153 млн. сўмлик пул маблағлари институт томонидан тўлаб берилди. Шунинг бораба-рида иқтидорли ва жамоат ишла-рида фаол талабаларимиз дои-мий равишда рағбатлантирилиб боришмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, институтимиз хузуридаги академик лицейни жорий йилда 206 нафар ўқувчи битириб, уларнинг 98 фои-зи, яъни 201 нафари олий таълим муассасаларига (51 фоизи давлат гранти асосида) талабалikka қабул қилинди. Эътиборлиси, улар тўпла-ган балларнинг ўртача кўрсаткичи бўйича 137,23 балл билан респуб-ликада 3-ўринни эгаллади.

Таълимда кластер зарур

Модомики, мамлакатимизда таълим сифатини ошириш ва янги Ренессанс пойдеворини қўйишдек улуввор марра қўзланган экан, бу йўлда учраётган камчиликларни рўйроост тан олиш уларни барт-

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори иловасида Навоий давлат университети фаолиятини йўлга қўйиш борасида устувор вазифалар белгиланиб, шу асосда институтимиз жамоаси билан тўққиз банддан иборат стратегия ишлаб чиқилди.

лар тўплами, “Scopus and Web of Science” ва бошқа халқаро база-лардаги журналларда 412 та, рес-публика илмий журналларида 500 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди, 53 та муаллифлик гу-воҳномаси олинди. Жорий йилнинг июнь ойида Буюк Британиянинг “Times Higher Education (Impact Rankings) THE” рейтинг агентлиги — дунё университетларининг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадла-рига (SDGs) мувофиқлигини баҳо-ловчи глобал рейтингда 17 та йўна-лиш бўйича Навоий давлат педа-гогика институти илк бор “ТОП — 1000” талик олий ўқув юртлари қаторида қайд этилди.

Институтда халқаро рейтинги баланд бўлган хорижий ОТМлар билан ҳам профессор-ўқитувчилар алмашинуви йўлга қўйилди. Бу йил институт ўқитувчиларининг 44 на-фари хорижий ОТМларда стажир-ровка ўтаб қайтди. Ўз навбатида, 18 нафар хорижлик мутахассис институтда бўлиб, маҳорат дарс-лари ўтди.

Муваффақиятли ислохотлар — юқори натижалар

Бугун молиявий эркинлик ва очиклик туфайли республикамизда-ги олий ўқув юртларининг моддий техника базаси мустаҳкамланиб, замон талабидаги ўқув-лаборато-рия воситалари, компьютер техни-калари билан жиҳозланган. Чунон-

раф этишда ечимнинг ярми, де-макдир. Дейлик, вилотиимиз мак-табгача ва мактаб таълими муас-сасаларининг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжининг 78 — 80 фоизи институтимиз томонидан қаноат-лантирилган экан, Навоий вилоти-да жорий йилда таълим кўрсаткич-ларининг пасайишида жамоамиз “ҳисса”си шунга тенг, десак, айни ҳақиқатини айтган бўламыз. Албат-та, бу бир ёки икки эмас, узоқ йил-лар мобайнида йиғилиб қолган му-аммоларнинг асорати. Мисол учун, жорий йилда вилотиинг Мактаб-гача ва мактаб таълими бошқар-масининг аттестация кўрсаткичла-ри 60 фоизни ташкил этган. Унда узоқ йиллардан бўён соҳада ишлаб келаётганларнинг “улуши” бундан-да кўп.

Шуларга тўхталар эканмиз, энг аввало, таълимда педагогик техно-логияларнинг янгилиниши (дарс-ликлар, дастурлар, педагогик ус-лублар) уйғунлиқа олиб борил-маётганлиги, ўқитувчилар малака-сини ошириш, педагогика олийго-ҳлари ва мактаблар бир-биридан йироқлашиб қолганлигини тан олиш зарур. Бу эса уларнинг интеграциясини таъминлаш, таъ-лим кластерларини соҳага жалб этишни жадаллаштириш фурсати етганилигини аңглатади. Шу ўринда умумтаълим мактабининг ўқитувчи-лари ўз устида қандай ишлаяпти, қайси илмий ва услубий адабиёт ва қўлланмалардан фойдаланиш имконига эга, деган савол туги-ла-



ди. Ушбу савол бугун баъзи ўқитув-чиларимизни ноқулай аҳволга со-лиши ҳам, очиги, бор гап.

Шу нуктаи назардан ёндашадиган бўлсак, биз яқин тарихимизда мактаблардаги барча муаммо ўқитувчи ҳуқуқларининг поймол этилиши, уларнинг вазифасига оид бўлмаган турли ишларга мажбурий жалб қилиниши оқибати эканини тан олдик. Уларга чек қўйилганига эса мана етти йилдан ошди. Бугун ўқитувчи ўз устида ишлаши учун етарли вақт ва имкониятга эга бўлди. Илгари умумтаълим мактаб-ларининг замон талабидидаги АКТ, уларнинг лицензияга эга дастурий таъминоти, хавфсизлигини таъмин-лаш, таъмирлаш, эҳтиёт қисмлари захираси, профилактикаси маҳал-лий бюджетда деярли назарда ту-тилмаган эди. Бугун эса аҳвол бу-тунлай бошқача. Бироқ бугунги ўқитувчи АКТ соҳасида ўз ўқувчи-сидан бир эмас, икки-уч қадам ортда эканлигини пандемия да-вридаги онлайн таълим яққол кўрсати-б қўйди. Аттестацияга келаётган ўқитувчиларнинг маълум қисми тест топиришида компьютердан фойдаланишни билмаслигига ўйнаб мисоллар келтириш мумкин.

Биз одатда, таълим тушунчаси-ни ёш авлодга маълум билим, кўнимка, ахборот ва малакаларни етказиш, деб таърифласак-да, у таълимнинг моҳиятини тўлақонли оқиб беролмайди. Чунки ҳар қан-дай илм ёки таълим дарс жараё-нида билимга айланиб қолавермайди. Илмни билимга айлантириш учун бир қатор объектив шарт-шароитлар яратилиши лозим. Бунда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаол муносабати, таълим воситалари билан таъмин-ланганлик даражаси, педагогик ма-ҳорат муҳим аҳамиятга эга.

Биргина мисол, тўрт-беш йил аввал институтимизнинг математи-ка факультетини Нуротанинг че-ка қишлоғидан бўлган Мирсад Эргашев деган йигит тугаллаб қай-тади. Қишлоқ мактабида унга дарс йўқ, деб иш беришмаган, Кармана-даги 30-мактабга ишга кириб тўғарак, кейинчалик ўқув курси очди. ОТМга тайёрлашда 100 фоиз-лик натижага эришди. Афсуски, бун-дай мисоллар кўп ва уларнинг ҳам-маси ҳам юқоридагидек ижобий яқун топяпти, деб айтолмаймиз.

Қиссадан хисса шуки, кадрлар танлашдаги таниш-билишчилик дарс тақсимооти орқали таълим сифатини таъминлашдаги ме-ханисмлар самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Ота-она фарзанд тарбиясига эътибор бермаса, жамият соғлом бўлмайди

Очиги, таълим сифатини яхши-лаш борасида мутахассислар, ота-

оналарнинг мулоҳазалари кўп. Бироқ амалий ишга келганда, ай-ниқса, ота-оналарнинг муносаба-ти ҳамон эскича бўлиб қолмоқда. Аксарият ота-оналар болани мак-табга тайёрлаш деганда, фарзан-ди етти ёшга тўлган йилнинг ав-густиди кийим-бош ва ўқув курол-лари олиб беришнингна тушуни-шади. Ваҳоланки, мактабининг бола учун жозибадор масканга айлани-шида ота-онанинг ўрни педагогик жамоаникидан кам эмас.

Аслида, бола мактабга богчага қатновданоқ тайёрланиши мақса-дга мувофиқ. Албатта, бунда ушбу муассасадаги тарбиячиларнинг ма-ҳорат ва билими, оилада ота-она-нинг бола билан мулоқотининг аҳамияти катта. Аммо баъзи ота-оналаримиз богчадан қайтган фар-зандидан бугун нима ўргандинг, деб эмас, тушиликда нима единглар, дея сўраси оdatий ҳолга айланган.

Боланинг мактабга меҳр қўйи-шида бошланғич таълимнинг ҳам ўз ўрни бор. Бу даврда бола ёзиш, чизиш ва ўқишни ўзлаштирибгина қолмай, унинг ҳаётий қизиқишла-ри ҳам қаноатлантирилади. Ўйга вазифасини тайёрлаш жараёнида бола айрим мураккаб саволларга жавоб излашда ота-онанинг кўма-гига эҳтиёж сезади. Бу пайтда унинг дарсларини қилиб бериш болани фикрий ялқовликка, ота-она зиммасига ўз ташвишини ташлаб қўйиш қайфияти мукимла-шишига олиб келади.

Яшириб нима қилдик, мактаб би-лан ота-она ҳамкорлиги йироқла-шиб қолганига анча бўлган. Ўқув йили давомида бир марта ҳам мак-таб остонасини хатламаган ота-она-лар бор. Ваҳоланки, болага таълим ва тарбия бериш сифатининг энг фаол назоратчиси аслида ота-она ҳисобланади. Очиги, бугунги қунда ота-оналарнинг “дарсликлар қийин-лашиб кетган”, деган эътирозини тез-тез эшитиб қоламиз. Албатта, улар ўзларининг ўқувчилик даври-ни нисбат олишиб, шундай хулоса-га келади. Таълим ва ўқув дастур-ларининг мураккаблашиб бориши эса табиий жараён. Ота-она бунда фарзандига ёрдам беришга ожиз-лик қилдими, тўғараклар фаолият-тидан фойдаланиши зарур.

Қачонки ота-оналар таълим-тарбия борасида мактаб билан маслақдош бўлса, муаммолар ечил-мас қар кимнинг ўз ўрни борли-гини тўлиқ англаса боланинг ўқишида, тарбиявий ишларда ўсиш бўлади.

Умуман, ҳаётда жамиятнинг ин-теллектуал салоҳияти ўз-ўзидан юзага чиқмайди. Шу ўринда кичик бир мисолга мурожаат этайлик. Та-бият табиий қазилма бойликлардан деярли мусово этган Армани-стон мактабда шахмат 2-синфдан мажбурий ўқитиладиган ягона давлат. Бу эса сўнгги йилларда IT йўналиши бўйича мисли кўрил-маган муваффақиятларга замин яратди. Бугун мамлакат ЯИМ ҳаж-мида ITнинг улуши 7 фоиздан зиёд — 1 миллиард АҚШ долларидан ор-тиқроқни ташкил этади. Соҳадаги дастурий таъминотчиларнинг ўттиз фоиздан ошигини аёллар ташкил қилиб, мазкур кўрсаткич бўйича мамлакат дунёнинг АҚШ, Герма-ния, Ҳиндистон ва Канада каби етакчи давлатларини ортда қолди-риб кетди. Шу ютуқлар баробари-да 3 миллион аҳолиси бор ушбу мамлакатда бугун IT йўналиши-да 3 мингта бўш иш ўрни мавжуд.

Хуллас, бугун инсон интеллектига эътибор, инновацион ечимлар даври келди. Бунда дахлдор кучларни бирлаштириш зарур. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлагандек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг мил-лий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

Муҳиддин КАЛОНОВ,
Навоий давлат педагогика институти ректори.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Янги маданият маркази

Қорақалпоғистон Республикасининг КеҒейли туманидаги “Куёшли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Халқобод” маданият маркази биноси фойдаланишга топширилди.



2,7 млрд. сўм маблағ ҳисобидан барпо этилган ушбу марказда барча қулайлик мавжуд. Хусусан, муассаса 25 дона мусиқа асбоби, овоз қучайтириш мосламаси ҳамда ўқув қўлланмалари билан таъминланди. Маданият маркази 168 та ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда учта тўғарак фаолият олиб боради. Уларга ҳудуд-нинг 60 нафарга яқин ёшлари жалб қилинган. Бундан аҳоли жуда мамнун, айниқса, ёшларнинг қувончи чексиз.

Тадбиркор — элга мададкор

Самарқанд вилоти ҳоқимлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари ҳамкорлигида янги ташаббусга қўл урилди.



“Тадбиркор — элга мададкор” шиори остида вилоти-да умумий овқатланиш йўналишида фаолият юритиб ке-лаётган 11 та тадбиркорлик субъектига 150 та велоску-тер олиб берилди. Бу ташаббуснинг асосий шарти — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги рўйхатида турган кам таъминланган оилаларнинг меҳнатга лаёқатли ва-киллари иш билан таъминлаш.

Мазкур ташаббус юртимизда камбағалликни қисқартириш ишларига янгича суръат бағишлаши билан янада аҳамиятлidir.

Мактабларда ичимлик суви таъминоти ва санитария тизими

Бухоро вилотининг Пешку туманидаги 3, 23, Когон туманидаги 17, Шофиркон туманидаги 10-умумтаълим мактабларида қудуқлардан сув чиқариш, суви филътрлаш ва хавфсиз ичимлик суви даражасигача чучуқлаштириш тизимлари ўрнатилди.



Ички ҳамда ташқи муҳандислик сув таъминоти, ка-нализация тармоқлари, ҳожатхона ва душхоналар қурилди. Оқова суварини сўғориш даражасигача био-логик тозаланишни маҳаллий тизимлари яратилди.

Жорий йилда “Бухоро вилоти умумтаълим мак-табларида сув таъминоти, санитария ва гигиена” лойиҳаси доирасида 17 та мактабда тайёр ҳолда топ-шириш шарти билан ичимлик суви таъминоти ва са-нитария тизими йўлга қўйилди.

Ёшлар фестивали

Жиззах шаҳридаги “Ёшлар шаҳарчаси”да Президентимиз томонидан илгари сурилган “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг намунавий фестивали кўтаринки руҳ ва ҳушқайфиятда ўтди.



Фестиваль доирасида Ёшлар ишлари агентлиги ви-лоят бошқармаси томонидан “Мутулоа”, “Ибрат”, “Устоз Ал”, “Узчесс” каби лойиҳалар тақдими ва тар-ғиботи ташкил этилди. “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг намунавий фес-тивалида Жиззах шаҳридаги 5 та олий таълим муасса-саси иқтидорли талабаларининг IT ва стартап лойиҳа-лари, янги дизайнлига либослар ва бошқа кўрғазма-лари алоҳида ўрин тутди. Яқунда эстрада юлдузлари ҳамда иқтидорли ёшлар ижросида намойиш этилган гала-концерт барчага бай-рамона қайфият улашди.

«Халқ сўзи».

БИРЛИГИМИЗ

Одами эрсанг демагити одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Мир Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу мисралар ўрта асрларда ёзилган бўлса-да, уларнинг аҳамияти туркий халқларимиз ўзаро жипслашётган бугунги кунларда янада яққол намоён бўлмоқда.

Эзгулик

Минтақавий Туркий академия ва Туркия тилшунослик жамияти томонидан 9 — 11 сен-тябрь кунлари Боку шаҳрида ташкил этил-ган Умумтуркий алифбо комиссиясининг учинчи сессияси муваффақиятли янгуланди. Туркий давлатлар ташкилотини томонидан ту-зилган мазкур комиссия аъзолари иштиро-кидаги муҳим уршдунинг асосий мақсади тилшунослик соҳасида билим ва тажриба ал-машини, шунингдек, комиссия тадқиқотлари асосида туркий тиллар учун умумий алифбо лойиҳасини янгуллаш эди.

Йиғилишда 1991 йилда олимлар томони-дан тақлиф этилган лотин ёзуви асосидаги умумтуркий алифбо лойиҳаси атрофлиқа му-



ҳокама қилинди. Комиссия аъзолари кенг мунозара юритиб, лойиҳада эътибор қара-тилиши лозим бўлган жиҳатларни белгилаб олдилар. Алифбодаги ҳар бир ҳарф туркий тилларда мавжуд бўлган турли фонемалар-ни ифодалашига алоҳида эътибор қаратил-ди. Муҳокамалар якунига кўра 34 харфдан иборат умумтуркий алифбо бўйича умумий келишувга эришилди. Бу — туркий халқлар тарихида жуда муҳим воқеа ва биз бундай ҳаракатни чин юракдан қўлаб-қувватлаймиз. Биз Алишер Навоийни бежиз эсламадик. Худди шундай туркий адабиётнинг Низомий Ганжавий, Махтумқули Фироғий, Чингиз

Айтматов, Абай Кўнонбоев, Рашод Нури Гунтекин каби турли даврлардаги буюк на-мояндаларни ҳам санаб ўтишимиз мумкин. Турли туркий халқларга мансуб бўлган бу беназир адаблар бир-бирларини таржимон-ларсиз тушунишган, англашган. Лекин биз 150 йил давомида парча-парча бўлиб кел-дик, бўлиндик. 1991 йил мустақилликка эриш-ган бўлсак-да, бирлашишга бўлган ҳаракат-ларимиз кўп йил самарасиз бўлди. Фақат бу-гунги кунга келиб — орадан ўттиз уч йил ўтиб, худди пазлдек йиғилган туркий халқларнинг бу борадаги дастлабки ижобий натижалари кўзга кўрина бошлади. Буларнинг энг бирин-чиси умумтуркий алифбо яратилишидир.

Хўш, бирлашиш учун бизга биринчи навбат-да нима керак? Тил бирлиги, қалб бирлиги керак. Бу эса алифбодан бошланади. Шу боис Бокуда эришилган ягона туркий алифбо бўйи-ча келишув катта аҳамиятга эга. Энди биз-нинг умумий сўзларимизни ифодалайдиган умумий алифбомиз бор. Энди биз бир-бири-мизни тинглашни, ўзаро таржимонсиз гап-лашшни ўрганишимиз керак. Нафақат сўзлар, балки назм орқали, наво орқали, шеърй мис-

ралар орқали бир-биримизни англашга одат-ланишимиз лозим. Шундагина бирлигимиз фитратимизга, қалбимизга етиб боради. Умумтуркий алифбо яратилиши билан бу тилда биринчи бўлиб тилчилар, адабиёт-шунослар, дипломатлар, сиёсатшунослар сўзлаша бошлашади.

Дастлаб алифбо яратилди, кейинчалик сўз лугати яратилади ва ана шундан кейин ил-мий қўлланмалар сўзлашади.

Мен фурсатдан фойдаланиб, бу улкан воқеа муносабати билан туркий қўшиларимизни, дўстларимизни, бутун туркий биродарларимизни самимий муборакбод этмоқ-чиман. Шундай тарихий вазифани муваф-фақиятли уддалагани учун жонқуяр мутахас-сисларга ва сиёсий ирода учун Туркий дав-латлар ташкилотига миннатдорлигимни из-ҳор этаман. Умид қиламизки, энди биз бир-биримизни янада яхшироқ тушунамиз, яна-да тезроқ жипслашамиз.

Шерзодхон ҚУДРАТХҲҲА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор.

Футзал бўйича жаҳон чемпионати арафасида Таиландда Ўзбекистоннинг спорт ва туризм бўйича салоҳияти намоиш этилди.

ҚАЙНАР МАЙИЗИ она табиат саховати

Машхур Тахтиқорача довони орқали Самарқанд вилоятидан Қашқадарёга кириб келар экансиз, биринчи бўлиб Китоёб туманининг Қайнар қишлоғи қарши олади. Хисор тоғ тизмалари этагида ястаниб ётган бу қишлоқ ўзининг бетакрор табиати билан донг таратган.

Мехнат ва роҳат

Қайнарда бир-бирига сира ўхшамайдиган ўнлаб булоқлар бор. Масалан, Совуқбулоқ ёз жазирамасида ҳам муздек обиҳаёт отилиб чиқиши, Ҳалабулоқ эса бир жойда юзлаб чашмалардан сув сизиб туриши билан ажралиб туради. Қайнарбулоқ ҳудуддаги булоқларнинг энг каттаси. Ундан сув ҳудди қайнагандек кўпириб, тошиб чиқади. Қишлоқнинг 50 фойздан зиёда аҳолиси шу булоқдан сув ичади, экинларини сугоради. Қишлоқ номи ҳам шу булоқ номидан олинган.

Қайнари машхур қилган жиҳат фақат унинг гўзал табииотию афсонавий булоқлари эмас. Қишлоқ одамлари боғдорчилик, хусусан, узум етиштириб, ундан майиз тайёрлаш борасида ҳам ном қозongan. Бу ерда аксарият оилалар узумчилик билан шуғулланади.

— Қишлоғимизнинг умумий майдони 6 минг гектарни ташкил этади, — дейди “Қайнар” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Зарифа Хидирова. — Шундан 2 минг гектари аҳоли томорқалари, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ер майдонларидан иборат. Аксарият майдонлар боғдорчиликка ихтисослаштирилган. Аҳоли ҳудуддаги булоқлардан сув олиб, боғ ва токзорларни сугоради. Балки шундан-дир, бу ерининг мевалари ўзининг ҳуштамлиги билан ажралиб туради.

Зарифа Хидированинг кўшимча қилишича, узумчилик маҳалланинг “ўсиш нуқтаси” сифатида белгилаб олинган. Айни пайтда бу ердаги 1200 дан ошiq ҳонадонларнинг 30 фойздан кўпи узум етиштириш билан шуғулланади. Улар узумни мева ҳолида эмас, балки қуритиб, майиз сифатида бозорга чиқаради.



Чунки шу орқали узумнинг даромадини икки ҳиссага ошириш мумкин. Отамурад Кенжаев ҳам 20 сотих жойда токзор ташкил этган, у бу ердан йилига 6 тоннадан ошiq сара узум олар экан. Узумларнинг ярмини мева ҳолида бозорга чиқарса, майизбоп навларни қуритиб, қиш ва баҳор фаслида сотиш билан шуғулланади. Бунинг учун деҳқон уйда барча шарт-шароитни ҳозирлаган.

— Ҳар йили уч тоннадан ошiq оқ ва қора кишмиш узумларни қуритиб, икки тоннага яқин майиз тайёрлаймиз, — дейди у. — Ҳавомиз тоза, сувимиз зилол, тупроғимиз унумдор. Шунинг учун ҳам узум ширали бўлади. Майизчиликда бу жуда муҳим. Биз узумни қурийтиш жараёнида зарур талабларга амал қиламиз. Бой-

си бу ишда билим, тажриба билан бир қаторда, алоҳида эътибор ва масъулият ҳам зарур. Мисол учун, узумни узгандан сўнг аввал уни сифатига қараб ажратиб, кейин илиб қўйиш учун жой тайёрлаймиз. Майизнинг харидорғир бўлишида шу жараён алоҳида ўрин тутади. Узумни имкони борича соя ва қуруқ ҳаволи жойда қурирсангиз, кўриниши шунчалик чиройли ҳамда юмшоқ бўлади. Аксинча, намлик юқори, шамол тегмайдиган, ҳарорат бир маромда бўлмаган жойда узум яхши қуримайди, майизнинг сифати паст бўлади.

Эътиборимизни тортган яна бир жиҳат, қишлоқда тоқларга ишлов бериш ва ҳосил йиғим-терими билан кўпроқ эркаклар шуғулланса, майиз тайёрлаш, асосан, аёллар зиммасида экан. Улар бу ишнинг ҳадисини олган. Бир хил узумни офтобда, сояда ёки бошқа шароитда қуришти орқали, ундан турли кўринишдаги майиз тайёрлаш мумкин.

Қайнарлик томорқачиларнинг меҳнатини қўриб, узум етиштириш, ундан майиз тайёрлаш ҳам осон иш эмаслигига амин бўлдик. Айни пайтда бу ишнинг даромади ҳам шунга яраша. Бугун қайнарликларнинг дастурхони тўкин, турмуши фаровон экани уларнинг ана шу заҳматли меҳнатлари ҳосиласи, албатта.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
«Халқ сўзи».

ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ

Улоч агротуризм қишлоғига айланади

Шаҳрисабз туманидаги Улоч маҳалласи ҳудудида йирик агротуристтик мажмуа қурилишига старт берилди.

Эътиборли томони, ушбу лойиҳага Иқтисодиёт ва молия вазирлиги кўмағида Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ)нинг 700 минг евро гранти ва вилоят ҳокимлиги бюджетидан 4,8 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республика товар-хонашў биржаси” акциядорлик жамияти томонидан боғ барпо қилиш ишларига 50 миллиард сўм йўналтирилмоқда.

Ушбу маблағлар ҳисобига ҳудуддаги 500 гектар лалми ер майдони ўзлаштирилиб, бу ерга 13 километр масофадан қувур орқали

сув олиб келинади. Заонавий технологиялар асосида узумзор ва мевали боғ барпо этилиб, экспортбоп узум ва мевалар етиштириш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, мажмуа тасарруфидида 1000 тонналик совиткичлики сизим, чорвачилик комплекслари қуриш, меҳмонхона, ресторан ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш объектлари бўёнд этилиши белгиланган. Бу билан хорижлик ва ички сайёҳларнинг боғни томоша қилиши ҳамда қишлоқнинг бекиёс табиатидаги баҳра олиб, хордиқ чиқариши учун шарт-шароитлар яратилади.

«Халқ сўзи».

СПОРТ ХАБАРЛАРИ



Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг хабарига кўра, Хитойнинг Шеньян шаҳрида академик эшак эшиш бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Икки ёш тоифасида, яъни 19 ва 23 ёшга-ча бўлган спортчилар баҳсларида Ўзбекис-

Осиё чемпионатида медаллар шодаси

тон терма жамоаси ҳам катта таркиб билан иштирок этиб, умумий ҳисобда 10 та медал билан мусобақани яқунлади. Учтадан олтин ва кумуш, 4 та бронза медалларини кўлга киритган вакилларимиз қитъамизнинг етакчи академик эшак эшиш усталари эканини исботлашди.



Ўйинда жами 6 та гол урилди. Вакилларимиздан Э. Тўлқинов, Ҳ. Нишонов ва И. Ропиев ўз номларига биттадан гол ёздириб қўйди. 3:3 ҳисоби билан дуранг тугаган ўйиндан

Футзалчиларимиз мусобақани дуранг билан бошлади

Хабар бериб ўтганимиздек, мамлакатимизда футбол бўйича ташкил этилаётган жаҳон чемпионатининг биринчи турида Ўзбекистон терма жамоаси нидерландияликлар билан куч синашди.

кейин Ўзбекистон 1 очкони кўлга киритди. Гуруҳнинг иккинчи ўйинида Парагвай терма жамоаси Коста-рикалик футболчиларни 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шахмат олимпиадаси давом этмоқда

Шу кунларда Венгрия пойтахти Будапешт шаҳри 45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига мезбонлик қилмоқда.



Дунёнинг икки юзга яқин давлатлари вакиллари қатнашаётган нуфузли мусобақада амалдаги олимпиада чемпиони ҳисобланган Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Ёш гроссмейстерларимиз 1-турда Тринидад ва Тобаго, 2-турда Миср, 3-турда эса Хорватияни бир хил — 3,5:0,5 ҳисобида мағлубиятга учратишган эди. 4-турда эса вьетнамлик шахматчиларга имкониятни бой бериб қўйишди.

Жами 184 та терма жамоа иштирок этаётган аёллар ўртасидаги мусобақада Алексей Дреев мураббийлигидаги Ўзбекистон вакил-

лари ҳам зафарли одимляпти. Қизларимиз ilk турда Гаити давлати шахматчиларини 4:0, 2-турда Ангола 3:1, 3-турда анча кучли ҳисобланган Венгрия терма жамоасини 2,5:1,5, 4-турда эса таркибида жаҳон чемпиони бўлган Болгарияни 2,5:1,5 ҳисобида енгилди.

Кеча 5-тур доирасида йигитларимиз Молдова терма жамоасини 3,5:0,5 ҳисобида енгган бўлишса, қизларимиз Грузия терма жамоасига 1,5:2,5 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

Мусобақа 23 сентябрга қадар ўтказилиши режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI

2025-yilga doktorantura va tayanch doktoranturaga tasdiqlangan qabul kvotasi

№	OTM nomi	Doktorantura (DSc)		Tayanch doktorantura (PhD)	
		Ixtisoslik shifri va nomi	Kvota soni	Ixtisoslik shifri va nomi	Kvota soni
1	TDAU	03.00.10 – Ekologiya	1	03.00.10 – Ekologiya	2
2		03.00.13 – Tuproqshunoslik	1	03.00.13 – Tuproqshunoslik	5
3		03.00.15 – Ixtiologiya	1	03.00.15 – Ixtiologiya	2
4		06.01.01 – Umumiy dehqonchilik. Paxtachilik	1	06.01.01 – Umumiy dehqonchilik. Paxtachilik	3
5		06.01.02 – Melioratsiya va sug'orma dehqonchilik	1	06.01.02 – Melioratsiya va sug'orma dehqonchilik	5
6		06.01.05 – Seleksiya va urug'chilik	1	06.01.05 – Seleksiya va urug'chilik	4
7		06.01.06 – Sabzavotchilik	1	06.01.06 – Sabzavotchilik	5
8		06.01.07 – Mevachilik va uzumchilik	1	06.01.07 – Mevachilik va uzumchilik	5
9		06.01.08 – O'simlikshunoslik	1	06.01.08 – O'simlikshunoslik	5
10		06.01.09 – O'simliklarni himoya qilish	1	06.01.09 – O'simliklarni himoya qilish	8
11		06.01.11 – Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash	1	06.01.11 – Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash	6
12		06.02.04 – Ipakchilik	1	06.02.04 – Ipakchilik	2
13		06.03.01 – O'rmon ekinlari, seleksiya, urug'chilik va shaharlarni ko'kalamzorlashtirish. O'rmonlar agromeliorsiyasi va himoya o'rmonlarni barpo etish	1	06.03.01 – O'rmon ekinlari, seleksiya, urug'chilik va shaharlarni ko'kalamzorlashtirish. O'rmonlar agromeliorsiyasi va himoya o'rmonlarni barpo etish	5
14		08.00.04 – Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti	1	08.00.04 – Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti	2
15		08.00.08 – Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit	1	08.00.08 – Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit	2
16		08.00.13 – Menegment	1	08.00.13 – Menegment	2
17		06.03.03 – Dorivor o'simliklar introduksiyasi, yetishtirish texnologiyasi va agrofarmakologiyasi	1	06.03.03 – Dorivor o'simliklar introduksiyasi, yetishtirish texnologiyasi va agrofarmakologiyasi	5
Jami:		Doktorantura (DSc)	17	Tayanch doktorantura (PhD)	68

Tanlovga topshiriladigan hujjatlar ro'yxati va imtihon dasturlari www.tdau.uz saytida e'lon qilinadi:

Talabgorlardan hujjatlar 2024-yil 15-oktabrgacha qabul qilinadi. Tayanch doktoranturaga kirish imtihonlari va doktoranturaga kirish uchun suhbat 2024-yil 1-noyabrdan — 25-noyabrgacha bo'lgan davrida o'tkaziladi. (PhD) Tayanch doktoranturada o'qish uchun talabgorlar chet tili bo'yicha belgilangan tartibdagi "B1", ayrim ixtisosliklar uchun "B2" darajadagi til bilish sertifikatining asl nusxasini 2 ish kunida universitetning ilmiy tadqiqot va innovatsiyalar bo'limiga taqdim etadi. Mutaxassislik bo'yicha belgilangan tartibda kirish imtihonlari topshiriladi.

Murojaat uchun manzil: 100140, Toshkent, Universitet ko'chasi, 2-uy, TDAU, Bosh bino. Ilmiy bo'lim. 311-xona.
Telefonlar: 71-260-44-95; 71-260-39-73. **E-mail:** nauka@tdau.uz

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Пушкин хиёбони ҳудудида замонавий сувтушар боғ барпо этилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 12 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидати маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопийбаит 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўтқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.56

Топширилди — 01.50

1 2 3 4 5 6